Олий таълим муассасаларида мутахассислик терминларини ўқитишнинг инновацион технологиялари

Норбоева Д.Ж. (СамИСИ)

Abstract: *As a result of the research in this article, general trends have been identified and systemized for the cadres training system. It is emphasized that professional training of potential specialists for the tourism needs of socially vulnerable strata of the population should focus on the formation of social-psychological knowledge, communication skills, leadership qualities and leadership skills.*

Keywords: *social psychology, communication, communication, training, innovation process, tourism innovation, communication, mental qualities, communication culture.*

Ҳозирги кунда таълим-тарбия соҳасида бутунжаҳон андозасига етишиш масаласи кўндаланг бўлиб турган экан, буни амалга оширишнинг турли йўналиши ва шаклларидан фойдаланиш ҳар бир олий таълими муассасаси ва педагоглардан талаб этилади. Бозор иқтисодиётига асосланган эркин, демократик жамият барпо этар эканмиз, унинг аъзоси мустақил фикрловчи эркин шахс бўлиши давр тақозосига айланди. Айнан таълим жараёнида талабаларнинг мустақил тафаккурини шакллантириш умумжамият глобал муаммосига айланганлиги ҳаммага маълум.

Шу боис Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасида таълим олувчи талабаларга рус тили фанидан мутахассислик терминларини ўқитишда инновацион технологиялар самарали жорий этилмоқда, бу эски тоталитар даврдаги ўқитишнинг самарасиз усулларидан, талаба шахсига нисбатан салбий муносабатдан воз кечиш, ўқув машғулотларининг натижалари асосида таълим жараёнига баҳо бериш, давлат таълим стандарти мезонларини ўзлаштиришга эришиш дидактик жараёнда янгича бурилишни кўрсатмоқда.

Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлашда, уларда ижтимоий психологик билимдонликни, мулоқот кўникмаларини, етакчилик (лидерлик) сифатларини, раҳбарлик малакаларини шакллантириш билан биргаликда мутахассислик терминларини нафақат ўзбек тилида, балки рус ва инглиз тилларида ўзлаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Дарҳақиқат, жамият ҳаётида рўй берадиган ҳар қандай ўзгариш тилда ўз аксини топиши табиий (1,12). Ўзбекистонда содир бўлаётган улкан ўзгаришлар, амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, фан-техника тараққиёти, бошқа давлатлар билан олиб борилаётган яқин ижтимоий-иқтисодий

алоқалар тилда ўз ифодасини топмоқда. Бугунги кунни турли соҳаларни терминологиясисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Олимларнинг аниқлашларича, бугунги кунда 500 дан ортиқ йирик соҳалар ва уларнинг ўнлаб йирик бўлимлари мавжудки, ҳар бири ўзига хос терминологик тизимга эга. Мамлакатимизда ҳам турли соҳалар шиддат билан ривожланиб бораётгани, бунинг натижасида терминологик тизимнинг ҳам бойиб бораётгани сир эмас (1, 32). Терминологик тизимда туризм терминологияси ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Туризм соҳаси ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг энг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Унинг ривожланганлик даражасини белгилаб берувчи омиллар орасида кадрлар малакасининг юқорилиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жамиятдаги барча ўзгариш ва янгиланишлар аввало тилда акс этар экан, жараёнлар тилшунослар олдига қатор вазифаларни қўяди (2, 23). Ушбу вазифалардан бири туристик терминларни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш ва рус тилидан ўзбек тилга таржима қилиш масаласидир.

Дарс жараёнида талабалар мутахассислик терминларини ўзлаштириш учун “Ҳамкорликда ишлаймиз” технологиясини тадбиқ қилиши мумкин. 4та кичик гуруҳ ташкил қилинади, ҳар бир гуруҳда 4-5 талаба иштирок этиши мумкин. Ҳар бир кичик гуруҳга бир хил топшириқ берилади: туризм терминологиясига оид глоссарий тузиш ёки жадвални тўлдириш:

Бозорни сегментлаш	истеъмолчиларни уларнинг эҳтиёжларини, имкониятлари ёки хулқ - атворларига асосан гуруҳларга ажратиш жараёни.		Сегментация рынка	Процесс ассигнования групп исходя из потребностей возможностей, и поведения потребителей.
Туризм	jismoniy shaxsning doimiy istiqomat joyidan sog`lomlashtirish, ma'rifiy, kasbiy - amaliy yoki boshqa maqsadlarda borilgan joyda (mamlakatda) haq to`lanadigan faoliyat bilan shug`ullanmagan holda uzog`i bilan bir yil maddatga jo`nab ketishi.	Tourism	Туризм	Выезды или туристские поездки физических лиц в другую страну или местность, отличную от места постоянного жительства, целью, кроме трудоустройства.

Турист	O`zbeksiton respublikasi hududi bo`ylab yoki boshqa mamlakatga sayohat qiluvchi (doimiy istiqomat joyidan turizm maqsadida jo`nab ketgan) jismoniy shaxs	Tourist	Турист	Физическое лицо совершающее туристическое путешествие в пределах или за пределами Узбекистана
Туристик фаолият	sayohat va ular bilan bog`liq xizmatlarni tashkil etish borasidagi faoliyat.	Tourist activities	Деятельность туристская	Деятельность, связанная с организацией всех форм выезда людей сместа постоянного жительства
Туристик индустрия	Turistik faoliyatning turistlarga xizmat ko`rsatishni ta'minlovchi turli sub'ektlari (mehmon xonalar, turistik komplekslar, kempinglar, motellar, pansionatlar, umumiy ovqatlanish, transport korxonalari, madaniyat, sportmuassasalarivaboshqalar) majmui.	Tourism industry	Индустрия туризма	Это совокупность гостиниц и иных средств размещения, средств транспорта, объектов познавательного, делового, оздоровительного спортивного и иного назначения, организаций, осуществляющих туроператорскую и турагентскую деятельность

Кичик гуруҳдаги ҳар бир талабага алоҳида топшириқ берилади: 1 устунда ўзбек тилида туризмга оид терминлар кўрсатилган, 2 устунда мазкур терминларга ўзбек тилида таъриф бериш керак (бир рақам остидаги талаба бажаради), 3 устунда халқаро микёсидаги номи ёзилиши керак (икки рақам остидаги талаба бажаради), 3 устунда рус тилидаги таржимаси (уч рақам остидаги талаба бажаради),ва 4 устунда рус тилида терминга берилган таърифи ёзилади (тўрт рақам остидаги талаба бажаради). (3, 45)

Мазкур технологияни тадбиқ этишда қўйидагиларга эьтибор бериш керак: ҳар бир гуруҳда актив ва пассив талабалар иштирок этиши керак, гуруҳ юқори балл тўплаши учун пассив талаба актив талабани фикрини эшитишга харакат қилади ва терминларни (ўзбек, инглиз ва рус) тилларида

ёзилиши, айтилиши ва таьрифига алоҳида эьтибор беради ва эслаб қолади. Бу технология хамкорликда ишлашни талаб қилади, самарадорлиги ҳам шунда.

Термин ясалишидаги ички имкониятлар деганда, ҳар бир тилнинг мавжуд ифода воситаларидан ва материалларидан тўлиқ фойдаланиш назарда тутилади. Кузатишлардан маълумки, муайян тил терминологик тизими асосан ўша тилларнинг лисоний базасида сўз ясаш, сўзларнинг лексик маъносини ўзгартириш, ушбу тилларнинг ички имкониятлари асосида сўзларни боғлаш, мавжуд терминларни калкалаш орқали ривожланади.

Рус тили туризм терминологиясининг шаклланиши ўзига хос йўналишда кетган. Рус тилида туризм терминологиясининг шаклланиши 3 босқичга ажратилади:

1-босқич. Бу даврда умумадабий тилдаги лексик бирликлар ҳисобига терминлар ҳосил қилинган: *единичный путешественник, ночевка, час прибытия, час отправления, путевая книжка, путеводитель.* Русча туристик терминларнинг 3 фоизи биринчи босқичда пайдо бўлган.

2-босқич. Француз тилидан турист ва туризм терминлари ўзлаштирилди, экскурсия фаолиятининг ривожланиши натижасида: экскурсия турлари (образовательная, ученическая, удешевленная, пешеходная экскурсия), экскурсия иштирокчилари (экскурсант, экскурсирующий), воситалари (палатка, туристическая одежда, штромовка), ташкилотчилари (экскурсионная станция, экскурсионное бюро, экскурсионная секция) билан боглиқ тушунчаларни ифодаловчи терминлар билан бойиди. Экскурсия ва сафарларни ташкиллаштириш билан боглиқ жараёнларни англатишга хизмат қилишувчи терминлар қатлами ҳосил бўлди: *туритско-экскурсионная работа, туритский маршрут, плановый туризм; палаточный лагерь,дом туриста, туристская база.* Рус тилининг ички имкониятлари ҳисобига терминлар (25 фоиз) ҳосил бўлгани кузатилган.

3-босқич. Бу босқичда терминлар таркибида ўзгаришлар рўй берди, бир томондан баъзи терминлар ички системаси йўқолди (планового туризма, профсоюзноготуризма), бошқа томондан инглизча терминлар кириб келиши фаоллашди. Туризм терминологиясидаги мавжуд 48 фоизи терминлар 1990-йилдан кейин пайдо бўлган. Уларнинг катта қисми рус тили изоҳли луғатларида қайд этилмаган. Бунга мисол қилиб қуйидаги терминларни келтириш мумкин: *флешкемнинг, наркотуризм, волонтерский туризм, каучсерфинг, бустеризм, клубный вагон, глемпинг.(5, 68)*

Ҳозирги кунда Россияда бир қатор илмий мактаблар шаклланган бўлиб, улар когнитив лингвистика муаммолари билан шуғулланади. Ушбу мактабларнинг ҳар бири калит терминнинг ўзига хос талқини билан характерланади. Улардан Москва (Е.С Кубрякова, В.А. Виноградов, В.Ф.

Новодранова,Э.В.Рахилина ва бошқалар), Иркутск (А.В. Кравченко ва унинг шогирдлари), Тамба (Н.Н. Болдрев, А.Л. Шарандин, Т.А.Фесенко ва бошқалар), Воронеж (З.Д.Попова, И.А. Стернин, А.П. Бабушкин ва бошқалар) мактабларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ушбу мактабда "Краткий словарь когнитивных терминов" нашр этилган.(6, 29)

Ижтимоий психологик тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, туризм ва сервис соҳасида мутахассислар фаолиятида мулоқот жуда муҳим ўрин тутади. Чунки, улар ўз фаолиятларини асосан мулоқот орқали амалга оширадилар. Одатда мулоқот деганда кишиларнинг ўзаро маълумот, мутахассислик терминларини билиш ва фикр алмашиш асосида бир-бирлари билан нутқли алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш жараёни тушунилади.

Бизнинг назаримизда туризм ва сервис соҳасида мутахассисларни тайёрлашда мутахассислик терминларини ўқитиш катта аҳамиятга эга. Чунки, ёшларда таркиб топадиган билим ва ақлий ривожланиш ўз навбатида уларда фаолият натижаларини таҳлил қилиш лаёқатини ҳам юзага келтиради. Фаолият натижаларини таҳлил қилиш эса мураккаб руҳий, ақлий жараён бўлиб, у орқали талабаларда ҳукм, хулоса, қиёслаш, одатли равишда баҳолаш каби билиш жараёни босқичларини шаклланишига олиб келади.

Юқоридагилардан шу нарсани кўриш мумкинки, талабаларни мустақил фикрлашга, ижодга ўргатиш ўта муҳимдир. Зеро, бундай тарбияни амалга ошириш ҳурматли педагогларимизнинг тажриба, малака ва қобилиятларига боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдураҳмонов Ғ., Мамажонов С. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
2. Маматкулов Х.М. Туризм ва хизмат кщрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар. Изоҳли луғат. Т.Иқтисод-Молия. 2010.
3. Занков, Л.В., Давыдов В.В., Эльконин. Д. Б. Развивающее обучение. М. «Пилот». 2015, с. 54.
4. Бектемиров Ҳ., Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. – Тошкент: Фан, 2002. – 48 б.
5. Белан Э. Особенности формирования новых терминосистем (на материале англиской и русской терминологий международного туризма): Автореф.дисс. … канд.филол.наук. – Москва, 2009.
6. Виноградова Л. Терминология туризма английского и русского языков в синхронном и диахронном аспектах: автореф. дисс. …канд.филол.наук. – Великий Новгород, 2011.